



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2013 йил 23 июль, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 144 (12.455)

Баҳоси эркин нарҳда

22
O'ZBEKISTON

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



ПОЙТАХТНИНГ
БИР
КУНИ

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Ички ишлар вазирлиги маданият саройида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ходимларнинг Ватанга, касбга садоқат руҳидаги қўшиқ, мусиқий ва шеърӣ асарлар яратишдаги фаол иштирокини таъминлаш, улар орасидан истеъдод соҳибларини аниқлаш мақсадида ўтказиб келинаётган тадбирнинг бу йилгиси ҳам кўтаринки руҳда ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил апрель ойида қабул қилинган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида ички ишлар идоралари ва таълим муассасаларида, Қоровул кўшнларининг ҳарбий қисмларида танловнинг дастлабки босқичлари юқори савияда ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида ўтказилаётган мазкур танловнинг вазирлик микёсидаги республика якуний қисмида дастлабки босқичларда голиб деб топилган жамоа ва хонандалар иштирок этишди.

Қўшиқларнинг яратилиши, матн мазмунини, мусиқаси ва ижро маҳоратида қараб ҳакамлар ҳайъати голибларни аниқлади. Қўшиқда Ватанимизнинг шонли тарихи, ўзбекона ўрф-одатлар, буюк аждодларимизнинг унутилмас номлари ҳамда мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни мадҳ этган ижрочилар юқори ўринларни қўлга киритишди.

Шундай қилиб, ҳакамларнинг яқдил фикрларига кўра биринчи ўринга «Оламда бир юрт бор» қўшиғи билан Ички ишлар вазирлиги маданият саройи қўшиқ ва рақс ансамбли хонандаси сафдор Фарҳод Қамбаров лойиқ деб топилди.

Иккинчи ўринни Қорақалпоғистон Республикасидан келган лейтенант Низаматдин Жиемуратов ва сафдор Арғабай Алланиязовлар билан бирга фарғоналик майор Хусниддин Юлдашев қўлга киритди.

«Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловида олдин ҳам иштирок этганман, – дейди Х.Юлдашев. – Ўтган гал учинчи ўрин насиб этган эди, бу сафар матинини ўзим ёзган қўшиқ билан иккинчи ўриннинг соҳиби бўлдим. Эришган натижамдан жуда мамнунман. Мустақил Ватанимиз мадҳини қўйлаб қанча қўшиқ, шеър, дoston битсак ҳам камлик қилади. Шундай тинч ва осейишта диёрда яшаётганимизга шукроналар айтмоғимиз лозим. Яқинлашиб келаётган давлатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги байрами билан барча касбдошларим ва юртимиз аҳолисини муборакбод этаман. Энг улуг, энг азиз шодиёгани кўтаринки кайфиятда кутиб олиш ҳаммамизга насиб этсин.

Учинчи ўрин Ички ишлар вазирлиги Алоҳида намунали-кўргазмали оркестри мусиқачиси сафдор Муқаддам Сафоева, андижонлик лейтенант Маҳмадхон Матсаев ва бухоролик катта сержант Шаҳобиддин Азизовларга насиб этди.

Танловда голибликни қўлга киритган хонанда ва жамоалар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Тадбир сўнгида танлов голибларининг гала-концерт дастури намойиш этилди.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган сурат

ЎЗБЕКИСТОН

РЕСПУБЛИКАСИНИ 2013 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан жорий йил 18 январда бўлиб ўтган мамлакатимиз ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга ошириш шу йилнинг биринчи ярмида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ижобий ўсиш суръатларини сақлаш, иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларини янада мувозанатли ривожлантириш учун мустаҳкам асос яратиш имконини берди.

1. Барқарор юқори ўсиш суръатлари, макроиқтисодий барқарорлиқни сақлаш ва мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишга доир комплекс дастурларни амалга ошириш натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот 8 фоизга ошди. Иқтисодиётнинг мустаҳкам ўсиш суръатлари инфляция даражаси пастлигини, давлат бюджетни профицити ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоизни ва мамлакат ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдосини (442,4 миллион доллар) ифода этадиган макроиқтисодий барқарорлик билан таъминланди.

Саноат тармоқлари рақобатбардошлигини ошириш ва уларни янада диверсификация қилишга доир дастурий чоратadbирларнинг ижроси саноат маҳсулотларининг ишлаб чиқариш ҳажмини 8,2 фоизга ошириш имконини берди.

Фермер хўжалиқларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалиғи ишлаб чиқаришига илғор технологияларни жорий этиш қўламини кенгайтириш бўйича кўрилатган чора-таadbирлар натижасида қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 7,3 фоизга ўсди.

Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши, стратегик инвестиция лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этишни жадаллаштириш ва янги ишлаб чиқариш объектларини ташкил этиш ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмини 10,5 фоиз ва қурилиш ишларини 16,1 фоизга оширишни таъминлади.

Ички талабни мувозанатли рағбатлантириш ва мамлакатимизда товарлар ишлаб чиқарувчи ҳамда хизматлар кўрсатувчи маҳаллий корхоналарни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чоратadbирлар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни 14,4 фоиз, чакана савдо айланмасини 14,6 фоиз, хизматлар кўрсатиш 12,1 фоизга оширишни таъминлади.

Товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши, янги ишлаб чиқариш қувватларининг ташкил этилиши ва аҳоли бандлигини кенгайтириш аҳоли реал даромадининг 16,3 фоизга барқарор ошишида муҳим омил бўлди.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусикали театрида «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи якунланди. Ҳар йили ўтказиб келинаётган мазкур танловнинг жорий йилги саралаш босқичида шаҳар ва туманлардан тўрт юздан зиёд ҳаваскор хонанда иштирок этиб, голибликни қўлга киритган 32 нафари Қорақалпоғистон Республикаси босқичида ўз иқтидорини намойиш этди. Иштирокчилар ижросида ватанпарварлик гоёси билан суғорилган мазмунан теран, бадиий етук қўшиқлар янгради.

• Сурхондарё вилояти адлия бошқармасида «Хўжалик шартномалари тузилиши ва бажарилишининг ҳуқуқий асослари: томонларнинг жавобгарлиги» мавзусига бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчиларига шартнома мажбуриятларини бажармаган тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш корхоналарига нисбатан тегишли ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш механизмлари хусусида атрофлича маълумот берилди.

ЖАҲОНДА

• Хитойнинг марказий қисмида жойлашган Миньсянь ва Чжаньсянь музофотлари чегарасида кеча қучли зилзила содир бўлди. 6,6 балли ер силкиниши натижасида 56 киши ҳаётдан қўз юмган, 412 нафар одамга турли даражадаги тан жароҳатлари етган, 12 киши бедарак йўқолган. Зилзила қўллаб турар жой ва маъмурий биноларга жиддий зарар етказган. Ҳозирда зилзила содир бўлган ҳудудда қидирув-қутқарув ишлари амалга оширилмоқда.

• Дания аҳолиси ўртача умрнинг узоклиғи борасида анча ортда қолмоқда. Шу боис мамлакат ҳукумати аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш ва умрини узайтириш мақсадида 2011 йилдан буён ёғли озиқ-овқатларга алоҳида солиқ тартибини қўллаб келмоқда. Солиқ тайёр маҳсулотдаги ёғлар таркибига қараб эмас, балки ингредиентлардаги ёғлар микдорига нисбатан белгиланмоқда. Бугунги кунда қўшимча солиқ боис ёғ ва шакарли маҳсулотлар нархи Данияда анча қиммат. Бу эса уларнинг камроқ истеъмол қилинишига сабаб бўлаяпти.

Хабар берилганидек, Тошкент шаҳар ҳокимлигида 2013 йилнинг I ярим йиллигида Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2013 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим йўналишлари ва устувор вазифалари ижросига бағишланган шаҳар фаоллар ййғилиши бўлиб ўтди.

УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ — БОШ ВАЗИФА

Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, шаҳар ҳокимининг ўринбосарлари, бош бошқарма, бошқарма бошлиқлари, банк раҳбарлари, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, тегишли жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди. Ййғилишнинг Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов олиб борди.

Маълумки, Юртбошимиз 2013 йилнинг 18 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йил якунларига бағишланган ййғилишдаги ўз маърузасида кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиз эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар.

Белгилаб берилган муҳим устувор вазифалардан келиб чиқиб, 2013 йил биринчи ярим йиллик якуни бўйича макро-

иқтисодий барқарорлиқни сақлаб қолиш ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётнинг ва унинг етакчи тармоқларини модернизация қилишни жадаллаштириш ва ишлаб чиқаришни диверсификациялаш, коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ва зарур ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган чоратadbирлар изчил амалга оширилиб келинди. Натижада шаҳар иқтисодиётида изчил ўсиш суръатлари таъминланиб, ялпи ҳудудий маҳсулот 107,2 фоизга ўсди.

Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 58,5 фоизни, хизматлар соҳасининг улуши 57,5 фоизни ташкил этганлиги эътиборлидир.

(Давоми 2-бетда)

Очиқ мулоқот

ФУҚАРОЛАР МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Ўлкамизда айни ёз чилласи давом этаётган бўлсада, қиш тайёргарлиқни ёқтиради, деганларидек жойларда аллақачон кузгикиш мавсум тайёргарлиғи бошлаб юборилган. Шундай бўлсада, об-ҳаво ҳарорати пасайиши, ёғин-сочинли кунлар келиши билан шаҳримиздаги кўп қаватли турар жой бинолари, маданий ва маиший объектлар, хонадонлардан ташкил топган маҳаллаларда коммунал хизматлар, табиий газ таъминоти ва бошқа йўналишларда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳафтанинг ҳар чоршанба кунлари туманлар ҳокимлари ва уларнинг тегишли хизматлари раҳбарлари иштирокида «Toshkent teleradiokanal» орқали тўғридан-тўғри «Очиқ мулоқот»лар ташкил этишни бошлади. Таъкидлаш жоизки, ўтган ҳафтада дастлабки «Очиқ мулоқот» Миробод туман ҳокимлиги мутасаддилари иштирокида бўлиб ўтди.

Аҳолининг барча саволларига бевосита жавоб қайтарилиб, муаммоларнинг ҳал этилиши муҳимлигини инобатга олиб, ушбу кўрсатувлар жонли тарзда эфирга узатилади. Уларда туман ҳокими ва бошқа мутасадди раҳбарлар иштирок этишади. Кўрсатув давомида берилган ва аҳолидан келиб тушган барча саволлар мониторинг қилиб борилади ва уларнинг бирортаси ҳам жавобсиз қолдирилмайди. Кўрсатувда жавоб беришга улгурилмаган саволларга ҳокимлик веб-сайти орқали тўлақонли жавоблар бериб борилади, уларнинг ижроси назоратга олинади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, уч ой давомида бўлиб ўтадиган очиқ мулоқотларда фуқаролар ўзларини қизиқтираётган барча саволларга жавоб олиш имкониятига эга бўладилар.

ХУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Қуйида Сизларни Тошкент шаҳрида коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда 2013/2014 куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларининг бориши юзасидан бевосита эфирга узатиладиган «Очиқ мулоқот» кўрса-

тувида Тошкент шаҳри туманлари ҳокимликларининг чиқишлари ҳадвали билан таништириб ўтамин.

№	Туманлар	«Очиқ мулоқот» кун	Иштирокчилар
1.	Олмазор тумани	2013 йил 24 июль	Туман ҳокими,
2.	Сергели тумани	2013 йил 31 июль	ХУЖМШ уюшмаси раиси,
3.	Учтепа тумани	2013 йил 7 август	ободонлаштириш
4.	Чилонзор тумани	2013 йил 14 август	бошқармаси, электр,
5.	Юнусобод тумани	2013 йил 21 август	табиий газ, ичимлик суви,
6.	Ҳамза тумани	2013 йил 28 август	иссиқлик таъминоти,
7.	Шайхонтоҳур тумани	2013 йил 4 сентябрь	«Махсустрас» корхонаси
8.	Бектемир тумани	2013 йил 11 сентябрь	ва бошқа
9.	Яккасарой тумани	2013 йил 18 сентябрь	ташкilotларнинг
10.	Мирзо Улугбек тумани	2013 йил 25 сентябрь	раҳбарлари

Мурожаатлар info@tashkent.uz, toshkent@mtrk.uz электрон манзиллари ёки 214-14-39, 239-05-48 телефон рақамлари орқали қабул қилинади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Ахборот хизмати



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Ўтган давр мобайнида босиб ўтган мураккаб йўлимизга яна бир бор назар ташлаб, мустақил тараққиётимиз давомида амалга оширган ишларимиз, эришган натижаларимизни ҳолисона баҳолаш ва уларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, бутун халқимизнинг эътибори ва онгу шуурига етказиш мақсада мувофиқ, деб ўйлайман.

Ислом КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ОСТОНАСИДА (1989 йил 23 июнь — 1991 йил 31 август)

Ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришилган санани муқаддас билиб, муносиб тарзда катта тантаналар билан кенг нишонлаймиз. Чунки бу халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрамидир.

Ҳар йили мамлакатимизда бу байрамни унинг мазмун-моҳиятини тереин ифодаладиган муайян бир шior остида ўтказиш ўзига хос анъанага айланган ва шу байрам муносабати билан босиб ўтган йўлимизни, амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиб оламиз, бундай ютуқ ва марраларга қандай оғир ва машаққатли меҳнатлар эвазига эришганимизни яна бир қарра кўз ўнгимиздан ўтказамиз.

Шу йил 12 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йилгирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори имзоланди. «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» деган шiorни асосий ғоя сифатида ўзидан муқассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури ишлаб чиқилди.

Истиқлол — узоқ тарихга эга. Амалда миллий озодликка эришиш учун кураш чор армияси юртимизга бостириб кирган дастлабки кундан бошланган. Аммо 1989 йилнинг 23 июнидан, яъни муҳтарам Тўрбошимиз Ўзбекистонимизнинг раҳбари бўлиб иш бошлаган кундан эътиборан бу кураш ўзининг сўнгги ҳал қилувчи палласига кирди. Шу кундан бошлаб истиқлол кун сайин яқинлашиб бораверди.

Истиқлол байрамини нишонлар эканмиз, барчамиз, жумладан, Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришиш арафасидаги тарихини ҳам яхши билишимиз, бунинг учун Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобларида ақс этган жараёнларни таҳлил этиб, маъзани қақшимиз лозим. Шунда бу неъматни янада чуқур идрок этаиш, бугунги дорилмомон кунларнинг шукронасини қиламиз, Истиқлолнинг асосий муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов буюк хизматлари аҳамиятини янада тереинроқ англаймиз.

Ислом Каримов Ўзбекистонга раҳбар бўлганларининг эртасига, яъни 1989 йилнинг 24 июнида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Фарғона водийси областларини иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш масалаларига бағишланган Кенгашида тарихий нутқ сўзлаб, дадиллик билан масалани: «Биз бундан буён эскича яшай олмаймиз ва бундай яшашга замоннинг ўзи йўл қўймайди», — деган тарзда қатъий қилиб ўртага қўйдилар. Маълумки, ўша йилнинг май ойида Фарғона вилоятида бир гуруҳ бузуғунчи кучлар томонидан ташкил этилган оммавий тартибсизликлар июннинг охирига қелиб низоҳатда авж олиб кетган эди. «Биз одамларни ташвишга солаётган масалаларни ҳал қилишга киришганимизни улар амалда ҳис қилиши лозим. Бугунги мақсис шу йўлдаги биринчи қадам бўлиб хизмат қилиши керак», — деган эдилар ўшанда Юртбошимиз. «Бугун фавқуллода ғайриоддий йўллари топиб, тараққиётимиз истиқболни тўғри белгиллаб олишимиз зарур», — дея таъкидладилар ҳам. Ҳақиқатан, амалда бу мақсис ва унда республика раҳбарининг нутқи тароғга мустақиллик сари ташланган биринчи дадил қадам бўлиб кирди. Шундан бошлаб республика ҳаётининг турли масалаларида изчил тарзда жасурлик билан дадил қадамлар ташлана борди...

«Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби билан танишган киши 1989 йилнинг 23 июнидан 1991 йилнинг 31 августига қадар мамлакатимизда мустақилликка эришиш йўлида кетма-кет ва изчил қадамлар ташлангани, ўтган ана шу икки йилу икки ойдан ошироқ давр мобайнида Ўзбекистонимизни қадам-бақадан истиқлол сари яқинлаштира борган бир неча бурилиш нуқтаси бўлганини тушуниб олади. Уларсиз истиқлол тарихини мукамал тасаввур қилиш — қийин. Бу дадил ва изчил ҳаракатлар ташаббускори Ислом Каримовда республикага раҳбар бўлган кунларида ноқ вазиётга реал баҳо бериш, халқнинг азму шижоати, қатъий иродаси, бағрикенглиги, бунёдкорлик кучига бўлган чексиз ишонч мавжудлигидан далolat беради. Орадан йиллар ўтиб, буни халқимиз янада тереинроқ англаб бормоқда.

«Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китобида ўша оғир ва масъулиятли йиллар воқелиги тўлалигича ақс этган. Уларнинг айрим муҳим хижатларига тўхталмиш жоиз.

1989 йилнинг 19 августда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида сўзлаган нутқларида Ислом Каримов Ўзбекистонимиз учун ўта долзарб бўлган бир масалани, яъни аҳолига уй-жой қуриш, деҳқончилик маҳсулотлари етиштириши учун ер бериш муаммосини кўтардилар. Бу ғоянинг нақадар долзарб эканини атрофлича исботлаш учун ҳаётнинг ўзига суяниб, таҳлилчи фикрлар билдирдилар: «Шахсий хўжаликдаги ернинг бир гектари жамоат секторидан ҳисобатан тўрт баробар кўп самара беради». Ҳолбуки, ўша пайтларда республикадаги

бу масала узоқ тортишуларга сабаб бўлди. Шу кезларда бу масаладаги вазият ана шундай эди. Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов масалани яқинлиқ киритди. Модомки, аҳолининг 75 фоиздан ошигини ўзбеклар ташкил этса, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши табиий зарурат эмасми? Албатта шундай.

Шу тариқа 1989 йилнинг 21 октябрида қабул қилинган «Давлат тили ҳақида»ги қонун истиқлолга яқинлаштирган энг муҳим қадамлардан бири бўлди. Шундан кейин халқ қалби ва онгда ўз тақдирини ўзи белгиллаш мумкинлигига қомил ишонч пайдо бўлди, куная борди.

1990 йилнинг 20 январидан Тошкент шаҳри фаоллари йиғилишида сўзлаган нутқларида Президентимиз Ислом Каримов масалани: «Тошкентни юксак маданият шаҳрига айлантиришимиз керак, замонадорларимизга эмас, фарзандларимиз ва набираларимиз ҳам у билан ҳақли равишда фахрланидиган бўлишимиз», — деган тарзда кўндаланг қўйдилар. Пойтахтимиз тарихига «жаҳон тарихининг бир қисми» сифатида қараш лозимлиги ўқтирилди. Бу ҳам амалда, шу муқаддас юрт, унинг ҳар бир шаҳри ёки қишлоғи — ўзимизники, унинг тақдирини ўзини ўзимиз масъулият, деган туйғунини уйғотди ва мустаҳкамлади. Бугун англаб етишимиз керакки, Тошкент шаҳрини дунёнинг энг ўзгал пойтахтларидан бирига айлантириш ҳаракати амалда ўшандан бошланган эди.

1989 йил баҳоридида қадимий байрамимиз Наврўзга нисбатан қандай ҳужумлар бўлгани кўпларнинг ҳали ҳам ёдида. Аммо республиканинг янги раҳбари Ислом Каримов Наврўзни умумхалқ байрами — дам олиш кунига сифатида катта тантана билан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Ўша СССР таркибидида туриб, бир кунни дам олиш кунига сифатида байрам қилиш, аслида, раҳбардан жуда катта жасорат талаб этарди. Халқ бундай дадил қадамлар орқали истиқлол яқинлашгаётганини ҳис этиб бораётган эди.

1990 йилнинг 24 мартда иттифокдош республикалар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон ССР Президентини лавозими жорий этилди. Бу, ўшанда Ислом Каримов келажакдаги вазиятга тўғри баҳо бериб, таъкидлаганидек, «республикамиз учун суверенитет ва давлатчилиқда принцип жиҳатдан янги босқинга ўтилишини» билдирар эди.

Собик Иттифок ҳар тарафлама инқироз ботқоғига ботиб бораётган ўша йилларда бошланган синфлар ўқувчиларини бепул оқват, ҳомилалар бемор аёлларни эса қўшимча, юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тазминлаш жорий этилгани ҳам республикада сиёсат биринчи навбатда инсон, унинг эҳтиёж ва талаблари, жисмоний ва маънавий юксалишига қаратилганидан далolat беради эди.

1990 йилнинг 16 июнида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетидида республиканинг иқтисодий мустақилликка ва бозор иқтисодиётига ўтиши масалалари муҳокамасига бағишланган кенгаш бўлиб, унда Ислом Каримов нутқ сўзладилар. Республика раҳбари масалани ўшандаёқ: «Биз учун асосий йўналиш, барча вазифаларни ҳал этиш қалити — Ўзбекистоннинг реал сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини тазминлашдир», — тарзида қўйди.

Истиқлолга интилиш ҳаракатлари 1990 йилнинг 20 июнида Ўзбекистон ССР Олий Советининг иккинчи сессиясида «Мустақиллик Декларациясини» қабул қилишга олиб келди. Жами 12 бандан иборат бу тарихий ҳужжатнинг йўналиш нукталарига диққат қилиш бугун унинг аҳамиятини янада тереинроқ англашни осонлаштиради. 4-бандда айтиладики: «СССР Олий Совети қабул қиладиган қарорлар Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқланганидан кейингина Ўзбекистон ССР ҳудудидида қўлغا эга бўлади». 8-бандда қайд этиладики: «Ўзбекистон ССР ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилайди ва давлат белгиларини (герб, байроқ, мадҳия) ўзи таъсис этади». 10-бандда тўғридан-тўғри мустақилликка эришиш учун ҳуқуқий асос яратиш вазифаси ўртага қўйлади: «Ўзбекистон ССРнинг қонун чикарувчи ҳокимияти Ўзбекистон ССР давлат мустақиллигини амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқади, Ўзбекистон ССРнинг сиёсий ва иқтисодий системалари тарихини ва қурилишини белгилайди». 11-бандда амалда социалистик тузумдан воз кечиш, ўрнига янги иқтисодий-сиёсий тузум

барпо этиш белгиланади: «Ўзбекистон ССР Олий Совети умумхалқ муҳокамаси асосида демократик ҳуқуқий давлат тузишга қарор қилганини билдирарди».

Республика қишлоқ хўжалиги ходимлари қурултойида Ислом Каримов сўзлаган нутқ «Халқ сўзи»нинг ўша йилги 27 март сонидида «Мустақиллик — энг аввало, халқ бирлиги ва ҳамжихатлигидир» деган сарлавҳа остида эълон қилинди. Шу нутқда иттифок тарихида биринчи марта сиёсий минбардан туриб «Улуг ўзбек халқи» эпитети қўлланди: «Сизларни ишонтириб айтаманки, улуг ўзбек халқининг қаддини, албатта, ростлаб оламиз, руҳини кўтарамиз, ғурурини тиклаб, олдимизга қўйилган мақсадга эришамиз, албатта».

Истибод даврида руҳи топталган, қадди буқилган халқ учун республика раҳбарининг бундай даъватлари қанчалар муҳим кучга эга бўлганини бугун ҳис этиш, тасаввурга келтириш унчалар қийин эмас. Чунки биз бугун бу сўзларнинг ҳаётини исботига ғувоҳ бўлиб турибмиз.

Ислом Каримовнинг 1991 йил 12 июнида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқлари матбуотда «Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлишига аминман» деган умидвор сарлавҳа билан чоп этилди. «Ўзбекистон — мустақил республика, унинг ўзи танлаган йўли бор», — дейилди ўшанда. Бу гаплар: «Ўзбекистон — мустақил давлат», — дейиш учун жуда оз фурсат қолганидан далolat бериб турар эди.

1991 йил августининг сўнгги икки ҳафтасида Ўзбекистонимизда истиқлолга эришиш иштиёқи шунчалар ошиб, жараёнлар шу қадар жадаллашдики, соатлар кунларга, кунлар ойларга тенг бўлди гўё.

17 август кунини Ислом Каримов Ҳиндистонга жўнаб кетган, бу Ўзбекистон ССР Президентининг хорижа қилган биринчи мустақил — тарихий ташрифи эди.

18 август кунини ўзини фавқуллода ҳолат давлат қўмитаси — ГКЧП деб атаган бир гуруҳ сиёсий авантюристлар давлат тўнтаришини амалга оширишга уринди. Ўша пайтлар ГКЧПнинг ноқонуний қарорларини қўлаб-қувватлаган айрим калтабиз раҳбарлар ҳам йўқ эмасди.

Аммо Ислом Каримов 18 август кунини худлик билан Ҳиндистондан қайтиб, аэропортдан тўғри ҳукумат биносига келиб, кечқурун ҳукумат аъзолари билан учрашди ҳамда Ўзбекистон ССР ҳудудидида ГКЧПнинг қонунга зид қарорларини бекор қилиш ҳақида кўрсатма бердилар.

20 август кунини Ўзбекистон раҳбари республика аҳолисига мурожаат билан чиқди. Бу ҳужжатнинг икки муҳим нуқтасини келтиришимиз ўзи орқали ҳам ўшандай ўта қатъий бир вазиятда қандай оқилона йўл тутилганини билиб олиш мумкин: «Бошимизга тушган бу синовлар, ноаниқ давр ва шавҳордан, авваламбор, ақл ва идрокимизни бир жойга йиғиб, инсоф ва виждонни йўқотмасдан, саросимага тушмасдан чиқишимиз керак»; «Шундай оғир синовдан ўтаётган бир пайтда халқимиз сабр-тоқат ва бардош билан, вазмин бўлиб, тинчликни сақлаш мақсадида жипслашиши керак. Бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш керак. Тинчликни бузаётган, ўз манфаатини қўлаётган ҳар хил шахсларга, муттаҳамларга қўлқол солмасдан, халқимиз ўзи танлаган йўлдан қолмаслиги керак».

21 августда эса Ўзбекистон ССР Президентининг махсус фармони имзолашиб, унда, жумладан, қатъий тарзда Ўзбекистон ҳудудидида: «...СССРда Фавқуллода ҳолат давлат комитетининг СССР Конституцияси ҳамда қонунларига зид қиладиган қонунлари ҳамда фармонлари ҳақиқий эмас, деб ҳисоблансин», — деб белгиланди.

25 августда Ўзбекистон раҳбарининг Фармони қабул қилиниб, унга қўра республика Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети Ўзбекистон ССРнинг қонуний тасарруфига олинди, СССР Ички ишлар вазирлигининг республика ҳудудидида жойлашган ички қўшиқлари бевосита Ўзбекистон ССР Президентига бўйсундирилди. Шунингдек, Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши Раёсатига жуда қисқа муддатда Республиканинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаб, уни Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси муҳокама-сига тақдим этиш тақлиф қилинди.

28 августда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленумидаги маърузаларида Ислом Каримов, жумладан, партия номини ўзгартириш тўғрисидаги масалани ўртага қўйдилар.

29 августда Ўзбекистон ССР Президентининг «КПССнинг Ўзбекистон ССР ҳудудидидаги мулк тўғрисида»ги фармони имзолашиб, унга қўра, КПССнинг Ўзбекистон ССР ҳудудидидаги бутун мулк республика мулки, яъни умумхалқ мулки деб эълон қилинди.

Низоҳат 31 август кунини Олий Кенгаш сессиясида Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинди, у шу кун қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги қонун билан мустаҳкамланди.

Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Истиқлолнинг 1991 йил 1 сентябридан кейинги шонли тарихини оммабоп ва таъсирчан услубда, таҳлилий тарзда, хронологик асосда, яъни йилма-йил ёритиб боришни режалаштирдик. Бу бизга бугунги фаровон турмушимизга эришиш замирида қандай меҳнат-машаққатлар ётганини, қандай мураккаб йўللарни матонат билан босиб ўтганимизни эсдан чикармасликка, тинчлик-хотир-жамлигимизнинг қадрига етишга ундайди.

Ҳар бир халқ ўз тарихий илдизларига суянган ҳолда равақ топади. Шу маънода мустақиллик тарихини ўрганишимиз бизни янада янги-янги марралар сари етаклайди.

Келгуси сондан бошлаб 1991 йил воқеалари тафсилоти билан танишасиз.

Олим МАХМУДОВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

Ватанга содиқлик —
муқаддас бурч.

Она юрт — олтин бе-
шиқ.

Киндик қонинг тўкил-
ган замин — Ватандир.

Ҳар бир кишининг
Ватани қалб тўридан
жой олган.

Ҳар бир ниҳол ўзига
хос тупроқда илдиз
отади.

Ватанининг нон-тузи-
ни оқлаган одамнинг
кўкраги тоғ.

Ватани билим ва
меҳнат обод қилади.

Эли бақувватнинг —
бели бақувват.

Ўз диёрини гуллат-
ганнинг бахти гул-
лайди.

Гул — ўз бутасида
дуркун.

Ватани севиш унга
қилинаётган фидокор-
ликда кўринади.

Ватан тақдири — ҳар
бир кишининг тақдири-
дир.

Инсон — синалган
ерида азиз.


Туғилган диёрдан
узоқлашган сари, у
юралка яқинлашади.

Элини танимаган эр
бўлмас.

Аскарнинг кўкси — эл
учун қалъа.

Ҳарбий хизматни ўташ
— юрт шаънини кўриқ-
лаш демакдир.

«Ёз — 2013»



ОРОЛБЎЙИ БОЛАЛАРИ ТОШКЕНТДА ДАМ ОЛМОҚДА

Сўлим табиат қўйнида ҳордиқ чиқараётган болалар учун ҳар бир кун мазмунли ва мароқли ўтмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги «Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ амалга оширилаётган ишлар болаларнинг ўқишдан ташқари вақтини мазмунли ўтказиш, уларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини янада яхшилашда муҳим омил бўлаётган.

Бунинг пайтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Гулбахор» болалар соғломлаштириш оромгоҳи мисолида ҳам кўриш мумкин. Мазкур оромгоҳда қорақалпоғистонлик 200 нафар ўғил-қиз дам олмоқда.

Атрофи мевали ва манзарали дарахтлар, турфа гуллар билан ўралган бу сўлим гўшага кирад экансиз, болаларнинг шўх-шодон кулгулари қулоғингизга чалинади. Улар сузиш ҳавзасида мириқиб чўмилмоқда. Сал нарироқда шахмат-шахка, қувноқ стартлар, стол тенниси бахслари давом этаётган.

«Гулбахор» оромгоҳида болаларни соғломлаштириш билан бирга меҳнатсеварлик, ижодкорлик, тартиб-интизом, аҳилликка ўргатиш, дунёқарашини бойитиш, жисмонан ва маънавий етук этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қара-

тилаётган. Дам олувчилар қизиқишига қараб спорт мусобақаларида, турли касб-ҳунарга йўналирувчи тўғаракларда иштирок этаётган. Ҳар бир мусобақа, тўғарак малакали мутахассислар ва шартнома асосида жалб этилган иқтидорли ёшлардан иборат етакчи ва йўриқчиларнинг кўрсатиш ва тавсиялари асосида ташкил этилган.

Тўғаракимизда 10 нафар қизга тикиш-бичишни ўргатадман, — дейди Учтепа туманидаги миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи битирувчиси Феруза Туропова. — Улар иқтидорли қизлар экан, кўрсатганларининг тезда илғаб олмоқда. Ҳозир қўллари анча келишиб қолди.

Яқинда ташкил этилган спартакиадада стол тенниси ва сузиш бўйича биринчи ўринни олдим, — дейди Хўжайли туманидаги 65-умумтаълим мактаби ўқувчиси Бахтибек Жуманиёзов. — Ўзим таъқондо ва кикбоксинг билан мунтазам шуғулланаман. Оромгоҳда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун етарли имконият яратилганидан жуда хурсандман.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асаридида фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш билан бир қаторда ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юк-



Байрам Айтмурадов (Ўа) болалар билан кутубхонада

сак маънавият асосида вояга етказиш доимо долзарб аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланган.

«Гулбахор»да ҳам болалар ўртасида маданий-маърифий ва тарбиявий ишлар доимий эътиборда. «Эртақлар — яхшиликка етаклар», «Ўзбекистон — Ватаним меним», «Ким бўлсам экан?» каби кўрик-танловлар, тарих, миллий истиқлол ғояси, одобнома дарслари бўйича савол-жавоб ва викториналар ўтказилаётган.

Маънавият ва маърифат ҳонасида ўғил-қизлар қалбидидаги ватанпарварлик, юртга садоқат туйғуларини мустаҳкамлашга, шунингдек, турли маънавий таҳдидлар, одам савдоси, ғийҳандлик, ичкиликбозлик каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Пойтахтимиз бўйлаб саёҳатлар уюштирилмоқда.

Оромгоҳдаги ҳар бир кунимиз жуда мароқли ўтмоқда, — дейди Қўнғирот тумани 53-умумтаълим мактаби ўқувчиси Мунаввар Нуруллаева. — Кеча Мустақиллик майдони, Алишер Навоий номидаги Миллий боғни бориб кўрдик.

Дам олиш масканида болаларнинг турғи ва сифатли овқатланиши, санитария-гигиена қоидаларига амал қилиши, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш ҳам — доимий эътиборда.

Гуруҳимизда 30 нафар қиз дам олмоқда, — дейди оромгоҳ тарбиячиси Нукули Сауле Абдиниязова. — Сархил мевалару ширин таомлар болаларга тетик рух ва куч-қувват бағишлагани. Тиббиёт ва ички ишлар ходимлари уларнинг саломатлиги ва хавфсизлигига масъулият билан ёндашаётгани учун болалардан кўнглимиз хотиржам.

Оромгоҳда ўқувчилар ўз саломатликларини мустаҳкамлаб, янги дўстлар орттириб, куч-қувватга тўлиб, қадрдон мактаблари кучоғига қайтади.

Байрам АЙТМУРАДОВ,
ЎаА мухбири

Бирлашган Араб Амирликларида шахмат бўйича ўн саккизинчи бор ташкил этилган «Sharjah International Chess Championship — 2013» халқаро турнирида ҳамюртларимиз ҳам иштирок этишмоқда.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО ШАХМАТ ТУРНИРИДА

Дунёнинг 26 давлатидан келган 210 нафар шахматчи иштирокида ўтказилаётган мазкур халқаро турнирда уч нафар юрдошимиз Алексей Барсов (2533), Сергей Қаюмов (2495) ва Ирина Геворган (2184) Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишмоқда.

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси матбуот хизматидан маълум қилишларича, эркаклар ўртасида ўтказилаётган мусобақаларда Алексей Барсов 6 имкониятдан 5 очко жамғариб, пешқадамлар сафида бормоқда. Барсов бугун ўтказиладиган еттинчи турда суриялик Талал Хилванига қарши дونا суради.

Хотин-қизлар ўртасидаги мусобақаларда ҳамюртларимиз Ирина Геворганнинг иштироки ҳам таҳсинга лойиқ. Ирина шу кунга қадар бўлиб ўтган олти тартибнинг бештасида ғалаба қозониб, бир учрашувда имкониятини бой берди ва 5 очко билан пешқадамлар сафида бормоқда. Бугун ўтказиладиган еттинчи турда Ирина Геворган мисрлик Ал Тохир Фуадга қарши қора донларда бахс юратди.

Яна бир юрдошимиз Сергей Қаюмов ҳисобида эса ҳозирча 4,5 очко маъжуд. Гроссмейстеримиз бугунгача ўтказилган тартипларда тўрт ғалаба ва биттадан дуранг ва мағлубиятни кайд этган.

Ғанишер ТОХИРОВ,
«Туркистон-пресс»

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖда 2012 йил 20 июндан 2013 йил 20 июлгача ўтказилган Ким ошди савдолари натижалари тўғрисида маълумот

Савдо санаси	Ким томонидан савдога қўйилган	Кўчаси мулк номи ва манзили	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
24.06.2013	Мирзо Улугбек тумани СИБ	Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 30.04.2013 й. № 45371/12 — сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Марказ-2 мавзеси, 8-уй, 69-хонадон	55 862 900	59 315 000
		Мирзо Улугбек тумани СИБ томонидан 30.04.2013 й. № 45371/12 — сонли ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Паркент кўчаси, 2-уй, 42-хонадон	111 108 000	117 850 000
01.07.2013	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Ҳамид Олимжон майдони, «Пойтахт бизнес мажмуаси» гарбий қисми, «Л» блокда жойлашган умумий майдони 72 кв.м. бўлган савдо дўкони	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Ҳамид Олимжон майдони, «Пойтахт бизнес мажмуаси» гарбий қисми, «Ж» блокда жойлашган умумий майдони 110 кв.м. бўлган савдо дўкони	137 810 000	146 090 000
		Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Ҳамид Олимжон майдони, «Пойтахт бизнес мажмуаси» гарбий қисми, «Ж» блокда жойлашган умумий майдони 110 кв.м. бўлган савдо дўкони	217 260 000	234 660 000
05.07.2013	Учтепа тумани СИБ	Учтепа тумани СИБ томонидан 21.04.2011 й. ижро ҳужжати асосан Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 12-мавзе, 33-уй, 9-хонадон	67 576 079	77 100 000
08.07.2013	Бекобод шаҳар СИБ	Бекобод шаҳар СИБ томонидан 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжати асосан Бекобод шаҳри, Аббосова кўчасида жойлашган цемент омборхонаси ва унинг ёнидаги қурилиш тугалланмаган савдо дўкони	73 300 259	77 850 000

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида

Учтепа туман 1-сон давлат нотариал идорасида

1 нафар

Шайхонтохур туман 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Хамза туман 9-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза.
2. Паспорт нусхаси.
3. Белгиланган шахлда тўлдирилган шахсий варақа.
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2013 йил 15 август).

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.

Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 2 февралда №605 рақам билан рўйхатдан ўтган. Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Янги Чиноз кўрғони, Қурувчилар кўчасида жойлашган Ўзбекистон Миллий автомобиль федерациясининг Тошкент вилоят бўлими тугатилди. Эътирозлар эълон қилинган кундан икки ой давомида Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Янги Чиноз кўрғони, Қурувчилар кўчаси манзили бўйича қабул қилинади.

«SPARETRA» МЧЖда 2013 йил 20 июндан 2013 йил 20 июлгача ўтказилган Ким ошди савдолари натижалари тўғрисида маълумот

Савдо санаси	Ким томонидан савдога қўйилган	Автомобиль номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами	Бошланғич баҳоси (сўм)	Сотилиш баҳоси (сўм)
24.06.2013	Бекобод шаҳар СИБ	1977 й. и.ч. «Ваз-2103», д.р. 11 V 9796	900 000	960 000
		1981 й. и.ч. «ГБ-Ваз-2103-СПГ», д.р. 10 G 884 EA	1 400 000	1 490 000
	Бектемир тумани СИБ	1987 й. и.ч. «Ваз-21061 СПГ», д.р. 01 O 312 JA	5 400 000	5 730 000
01.07.2013	Бўка тумани СИБ	1992 й. и.ч. «Газ-5312», д.р. 10 861 QAA	2 504 571	2 670 000
		1987 й. и.ч. «Ваз-21063», д.р. 10 C 998 BA	1 571 000	1 680 000
	Янгийўл тумани СИБ	2006 й. и.ч. «Матиз», д.р. 01 V 638 CA	11 949 336	12 670 000
	Бўка тумани СИБ	2003 й. и.ч. «Daewoo Нексия», д.р. 10 575 MAA	21 244 000	22 520 000
	Чиноз тумани СИБ	1987 й. и.ч. «М-412», д.р. 10 B 411 AA	279 327	310 000
	Қўйиқирчиқ тумани СИБ	«ПДСУ — 30» майдалаш ускунаси	94 500 000	100 500 000
04.07.2013	Бектемир тумани СИБ	2012 й. и.ч. «Нексия-Донс-150», д.р. 01 X 036 KA	29 422 710	31 195 000
	Мирзо Улугбек тумани СИБ	2011 й. и.ч. «Спарки», д.р. 01 S 464 JA	27 000 000	28 620 000
	Бектемир тумани СИБ	2008 й. и.ч. «Дамас», д.р. 10 350 AAA	20 995 200	22 260 000
05.07.2013	Юнусобод тумани СИБ	2008 й. и.ч. «Лада-21703-114-01», д.р. 01 416 CAA	19 073 000	20 300 000
08.07.2013	Қўйиқирчиқ тумани СИБ	1996 й. и.ч. «Газ-330210», д.р. 10 265 UAA	7 409 800	7 900 000
		2009 й. и.ч. «Матиз», д.р. 01 M 023 CA	7 667 043	8 180 000
	Олмалик шаҳар СИБ	2006 й. и.ч. «ГБ-СПГ-Нексия», д.р. 10 X 933 BA	15 079 000	21 000 000
	Чирчиқ шаҳар СИБ	1984 й. и.ч. «Зил-130», д.р. 11 AV 756	8 320 062	8 860 000
	Зангиота тумани СИБ	«Металл профиллига ишлов берувчи (профнастил ишлаб чиқарувчи) ускуна»	3 940 582	4 240 000
		«Бўлдоқни қайта ишлаб чиқариш ускунаси» (тегирмон)	59 437 474	63 100 000
15.07.2013	Қўйиқирчиқ тумани СИБ	2010 й. и.ч. «Ласетти», д.р. 10 705 RAA	33 068 800	35 200 000
		2009 й. и.ч. «Матиз», д.р. 01 J 383 CA	8 058 756	8 700 000
		1990 й. и.ч. «ГБ-СПГ-М-412», д.р. 10 F 508 BA	633 000	680 000
		1990 й. и.ч. «ГБ-СПГ-ГАЗ 2417», д.р. 10 A 673 AA	1 500 000	1 620 000
	Бўстонлиқ тумани СИБ	2004 й. и.ч. «Хундай Старекс», д.р. 10 K 314 DA	17 800 000	19 000 000
18.07.2013	Миробод тумани СИБ	1975 й. и.ч. «Ваз-2103», д.р. 30 U 0113	1 518 794	1 655 000
	Бектемир тумани СИБ	2010 й. и.ч. «Эпики», д.р. 01 O 292 HA	49 498 444,80	52 500 000
19.07.2013	Қўйиқирчиқ тумани СИБ	2010 й. и.ч. «Матиз» д.р. 10 P 109 DA	8 026 975	8 650 000

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (+99871) 212-89-55.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРПОРАЦИЯСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич охириги тартибда ўтказилган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Савдога қўйидаги автомобиллар воситалари қўйилмоқда: 1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.02.2012 й. № 3917-сонли ижро ҳужжати асосан 1979 й. и.ч. «Ваз-2102» д.р. 11 P 6347. Бошланғич баҳоси — 358 482 сўм. 2. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 25.02.2010 й. № 850-сонли ижро ҳужжати асосан 1976 й. и.ч. «М-412 ИЭ» д.р. 11 G 4538. Бошланғич баҳоси — 151 745 сўм. 3. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжати асосан 1977 й. и.ч. «Уаз-452» д.р. 11 L 4829. Бошланғич баҳоси — 395 542 сўм. 4. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 19.03.2010 й. № 1618-сонли ижро ҳужжати асосан 1987 й. и.ч. «Заз-968-М» д.р. 11 S 1813. Бошланғич баҳоси — 49 149 сўм. 5. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 23.07.2012 й. № 7692-сонли ижро ҳужжати асосан 1984 й. и.ч. «Москвич 2140» д.р. 11 V 5694. Бошланғич баҳоси — 435 076 сўм. 6. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.02.2012 й. № 3916-сонли ижро ҳужжати асосан 1987 й. и.ч. «Иж-21-25» д.р. 11 L 2296. Бошланғич баҳоси — 372 665 сўм. 7. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 01.08.2011 й. № 7916-сонли ижро ҳужжати асосан 1982 й. и.ч. «Москвич» д.р. 10 F 897 DA. Бошланғич баҳоси — 298 813 сўм. 8. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 10379-сонли ижро ҳужжати асосан 1991 й. и.ч. «ДТ-75» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 4 279 737 сўм. «Зафар қурилиш инвент» МЧЖ омборида сақланмоқда. 9. Бўка тумани СИБ томонидан 12.05.2008 й. № 11-0827/5280 — сонли ижро ҳужжати асосан 1994 й. и.ч. «2 ПТС 4-793» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 647 118 сўм. 10. Бўка тумани СИБ томонидан 12.05.2008 й. № 11-0827/5280 — сонли ижро ҳужжати асосан 1993 й. и.ч. «2 ПТС 4-793» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 599 472 сўм. 11. Бўка тумани СИБ томонидан 12.05.2008 й. № 11-0827/5280 — сонли ижро ҳужжати асосан 1994 й. и.ч. «2 ПТС 4-793» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 647 118 сўм. 12. Бўка тумани СИБ томонидан 12.05.2008 й. № 11-0827/5280 — сонли ижро ҳужжати асосан 1995 й. и.ч. «2 ПТС 4-793» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 749 339 сўм. 13. Бўка тумани СИБ томонидан 12.05.2008 й. № 11-0827/5280 — сонли ижро ҳужжати асосан 1996 й. и.ч. «2 ПТС 4-793» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 808 899 сўм. 14. Бўка тумани СИБ томонидан 12.05.2008 й. № 11-0827/5280 — сонли ижро ҳужжати асосан 1993 й. и.ч. «Т28x4M» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 8 153 136 сўм. Бўка тумани «Сарбон» корхонаси биноси. 15. Бўка тумани СИБ томонидан 14.06.2009 й. № 1-258 — сонли ижро ҳужжати асосан «Т28x4MCI» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 2 758 434 сўм. 16. Бўка тумани СИБ томонидан 14.06.2009 й. № 1-258 — сонли ижро ҳужжати асосан «2 ПТС 4-793» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 697 369 сўм. 17. Бўка тумани СИБ томонидан 22.12.2008 й. № 1-369 — сонли ижро ҳужжати асосан 1993 й. и.ч. «Газ-31029» д.р. 2 721 MBM. Бошланғич баҳоси — 1 697 549 сўм. 18. Бўка тумани СИБ томонидан 05.09.2011 й. № 391 — сонли ижро ҳужжати асосан «Опел» д.р. сиз. Бошланғич баҳоси — 3 576 598 сўм. 19. Бўка тумани СИБ томонидан 11.05.2009 й. № 11-0906/6204 — сонли ижро ҳужжати асосан 1974 й. и.ч. «КАВЗ 685» д.р. 11 AG 524. Бошланғич баҳоси — 3 282 000 сўм. 20. Бўка тумани СИБ томонидан 05.04.2010 й. № 11-1033/3899 — сонли ижро ҳужжати асосан 1986 й. и.ч. «Газ-52» д.р. 10 864 QAA. Бошланғич баҳоси — 5 395 229 сўм. 21. Бўка тумани СИБ томонидан 05.04.2010 й. № 11-1033/3899 — сонли ижро ҳужжати асосан 2001 й. и.ч. «Уаз 31512» д.р. 11 AJ 733. Бошланғич баҳоси — 7 541 000 сўм. Бўка тумани ДСИ биносида сақланмоқда. 22. Қўйиқирчиқ тумани СИБ томонидан № 7442 — сонли ижро ҳужжати асосан «Қўнғузга лампа TL-D18W». Бошланғич баҳоси — 143 779 320 сўм. 23. Қўйиқирчиқ тумани СИБ томонидан № 7442 — сонли ижро ҳужжати асосан «Қўнғузга лампа TL-D36W». Бошланғич баҳоси — 4 562 280 сўм. Қўйиқирчиқ тумани, Салар ш.ф.й., «Интер Рокат» қўшма корхонасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 8 август кунини соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юрдошимиз автомобиллар воситалари ва мулклар билан тегишли суд икдорчилиги бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларини ҳар кунини (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кунини қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автомобиллар воситаси ва мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автомобил воситаси ва мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «SPARETRA» МЧЖ нинг «Ипотека банк» АТБШ Шайхонтохур филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000004887305001, МФО: 00425, СТИР: 301829604. Аукцион солиби сотиб олган автомобил воситаси ва мулк қўйидаги 5 банк кўни мобайнида тўлашга тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55.

Юнусобод тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бошқармаси томонидан 2013 йил 21 майда №008325-10 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «ВЕК COTTON TEXTILE» масъулияти чекланган жамияти (ИНН 302614594) тугатилди.

Эътирозлар эълон қилинган кундан бошлаб икки ой давомида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: (+99890) 604-34-29.

Ҳурматли юрдошлар!

«Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш акциядорлик жамияти Сизларга Кисловодск (Россия) ва Ялта (Украина) шаҳарларида жойлашган «Ўзбекистон» дам олиш-соғломлаштириш сўхатгоҳларида табиат қўйнида ҳордиқ чиқариб, соғлигинг